

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

МАХМУДОВ АЛИШЕР АБДУСАЛИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати.
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура**

**юримдик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Махмудов Алишер Абдусалимович

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятининг
ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш..... 3

Махмудов Алишер Абдусалимович

Совершенствование организационно-правовых основ деятельности
органов прокуратуры Республики Узбекистан..... 35

Makhmudov Alisher Abdusalimovich

Improvement of the organizational and legal foundations of the activities of
the prosecutor's office of the Republic of Uzbekistan..... 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 72

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 31/31.12.2020.Ҳ.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

МАХМУДОВ АЛИШЕР АБДУСАЛИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати.
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура**

**юримдик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.DSc/Yu217 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий консультант:

Туляганов Абдуманноп Абдужаббарович
юримик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пўлатов Бахтиёр Халилович
юримик фанлар доктори, профессор

Раджабова Мавжуда Абдуллаевна
юримик фанлар доктори, профессор

Ғафуров Асқар Бойисович
юримик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат юримик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 8 октябрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: +99871-202-04-96, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (67-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: +99871-202-04-96, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил 25 сентябрь куни тарқатилди.

(2025 йил 25 сентябрдаги 31-рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминжонова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юримик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

В.Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юримик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан прокуратура фаолияти самарадорлигини ошириш ривожланаётган давлатлар олдига турган энг долзарб вазифалардандир. Прокуратура органлари томонидан соҳада қонунийликни таъминлаш, коррупцияга қарши самарали курашиш бўйича рўёбга чиқарилаётган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизнинг мазкур йўналишдаги халқаро рейтингдаги ўрни йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Республикамиз “Ҳуқуқ устуворлиги индекси”да 2020 йилда 92-ўринни эгаллаган бўлса, 2024 йилда 83-ўринга кўтарилган. “Коррупцияни тийиб туриш” рейтингда 2020 йилда 178-ўринни эгаллаган бўлса, 2024 йилда 164-ўринда қайд этилди¹. “Коррупцияни қабул қилиш индекси” халқаро рейтингда мамлакатимиз 2023 йил якунларига кўра, 5 поғонага кўтарилиб, 180 та давлат орасида 33 балл билан 121-ўринни эгаллади, сўнгги олти йилга солиштирганда эса 37 поғонага юқорилади². Демак, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи сифатида прокуратуранинг ўрни ва роли, фаолият йўналишлари ва вазифаларини аниқлаштириш, соҳани халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб ислоҳ этиш ва рақамлаштириш, халқаро тажрибани ўрганиб, кибермаконда коррупцияга қарши самарали курашиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий база яратиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилишни янада такомиллаштириш тақозо этилади.

Жаҳонда прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини илмий жиҳатдан ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрни, прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг принциплари, прокуратура органларининг ташкилий тузилмаси, прокуратура органларининг вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларининг йўналишлари, прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокига, прокурорлар коллегиял органлари фаолиятини ташкил этишга оид илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура органлари ролини кучайтириш, прокуратура идоралари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга доир тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қонунийликни қатъий таъминловчи, очик ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойилини бош мезонга

¹ <https://www.senat.uz>

² <https://www.transparency.org/en/cpi/2020/index/nzl>

айлантириш¹, шунингдек 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини инсон манфаатлари, кадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтириш” каби вазифалар белгиланган. Шу билан бирга, Давлатимиз раҳбари “прокурорларнинг мақоми, уларнинг мустақиллигини таъминлаш масалалари, танлаш ва хизмат поғоналаридан ўстиришнинг ҳолис мезонларини қонунда аниқ белгилаш”² зарурлигини, шунингдек, 2025 йилнинг 5 март куни бўлиб ўтган Коррупцияга қарши кураш бўйича миллий кенгаш йиғилишида “ҳуқуқ-тартибот идоралари, асосан, коррупцияни аниқлаш ва жазолаш билан ишлаб, коррупциявий омилларни таг-томири билан йўқотадиган превентив чоралар эътиборсиз қолаётганига, шу боис, энди прокурор ... секторлар фаолияти билан шуғулланмаслигини” қайд этди³. Ўз навбатида, Бош прокурор мамлакат аҳолисига мурожаат йўллаб, “бундан буён прокуратура органларининг энг юқори тизимидан қуйи бўғинигача, умуман, барча куч ва воситаларимиз коррупцияга қарши курашишга тўлиқ сафарбар қилинишини, коррупцияга имкон бераётган омилларни, туб сабабларни аниқлаш учун энг чекка ҳудудларгача борилишини, ҳар бир соҳага чуқур кирилишини”⁴ қайд этди. 2025 йил 6 ойида прокуратура органлари томонидан аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 102 мингга яқин назорат ҳужжатлари қўлланилди, 248 минг нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, халқ билан очиқ мулоқот қилиш, фуқароларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида 120 мингга мурожаат бевосита прокуратурада ҳал этилди ва 29 минг нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тиклаб берилди⁵. Бу эса, прокуратура органларининг қонун ижодкорлигидаги иштирокини фаоллаштириш, унинг ишига рақамли технологияларни кенг жорий қилишга оид кўрилаётган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш имконияти мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2023), “Прокуратура тўғрисида”ги (2001), “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги (2017), “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги (2021), “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги қонунлари (2023), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ–5019-сон, 2019 йил 29 майдаги “Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>

² Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021 йил, 108 бет.

³ Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди // <https://president.uz/uz/lists/view/7924>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг мамлакатимиз аҳолисига мурожаати // <https://prokuratura.uz/#/newsview?id=14460>

⁵ Бош прокуратура ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди // <https://prokuratura.uz/#/newsview?id=14460>

Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5729-сон, 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сон, 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ–158-сон, 2025 йил 21 апрелдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–71-сон фармонлари ва соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатлари ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари бўйича илмий тадқиқотлар етакчи хорижий илмий марказлар ва халқаро ташкилотлар томонидан тадқиқ этилмоқда. Хусусан, БМТ, ЕИ, ЕХХТ, МДХ, ШХТ доирасида прокуратура органларининг мақоми, давлат органлари тизимида тутган ўрни ва роли, прокуратуранинг вазифалари ва функциялари, прокуратура органлари фаолиятига оид халқаро стандартлар ва уларни миллий қонунчиликка жорий этиш истиқболлари тадқиқ этилган. Чунончи, БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси томонидан прокуратура органларининг мақоми ҳамда давлат органлари тизимида тутган ўрни ва роли (The Status and Role of Prosecutors A United Nations Office on Drugs and Crime and International Association of Prosecutors Guide), БМТнинг Халқаро прокурорлар ассоциацияси томонидан прокуратуранинг вазифалари ва функциялари таҳлили, прокуратуранинг жиноий-ҳуқуқий соҳадан ташқари фаолияти тажрибаси таҳлили (Европа Иттифоқи), ЕРРО – Европа прокуратураси томонидан прокуратура органларидаги ваколатлар доираси ва экологик жиноятларни қамраб олиш бўйича келажакдаги эҳтимолий ислохотлар ёки ҳуқуқий ўзгаришлар каби масалалар илмий-услубий жиҳатдан тадқиқ этиб келинмоқда. Хусусан, прокуратура органлари фаолиятини рақамлаштириш, сунъий интеллектни жорий этишнинг афзалликлари ва прокуратуранинг ташкилий тузилмасини ислох этишга, прокуратуранинг кибержиноятчиликка қарши курашиш ва киберхавфсизликни таъминлашдаги ўрнига оид масалалар кўпроқ тадқиқ этилмоқда.

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.unodc.org>, <https://eucrim.eu>, <https://www.eui.eu>, <https://www.stanfordlawreview.org>, <https://search.library.wisc.edu>, <http://webcat.warwick.ac.uk>, <https://ndaa.org> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

Хорижий мамлакатлар олий таълим муассасаларида прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари борасида қуйидаги илмий натижалар олинган: прокуратуранинг институционал ташкил этилиши ва унинг назорат механизмлари (Стэнфорд университети, АҚШ), прокуратура органлари ролининг эволюцияси: муаммо ва ечимлар (Висконсин-Мэдисон университети, АҚШ), прокуратура органлари тизимини ислоҳ қилиш зарурлиги асослари ва органдаги ўзгаришлар таҳлили (Бреннан номидаги Ҳуқуқ Маркази, АҚШ), прокурорларнинг мустақиллиги ва қарор қабул қилиш жараёнининг таҳлили (АҚШ Миллий Оқруг Прокурорлари Ассоциацияси, АҚШ), прокуратура органлари фаолиятининг халқаро ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлили (Оксфорд университети, Буюк Британия), прокурорларнинг мустақиллиги ва жавобгарлиги масалалари (Варвик университети, Англия), прокуратуранинг жиноий таъқибни амалга оширишдаги ўрни (Австралия Миллий Университети, Австралия), жиноий судлов жараёнида прокуратуранинг институционал ўрни ва унинг ён босиш эҳтимолига таъсири (Макс Планк номидаги Қиёсий ва Халқаро Жиноят Ҳуқуқи Институти, Германия), прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари (Миллий Ҳуқуқ мактаби, Франция), давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилишда прокуратура фаолиятининг аҳамияти (Европа Университети Институтининг Ҳуқуқ кафедраси, Италия), прокуратура ва тергов фаолиятининг роли (Хитоцубаси университети, Япония), давлат ҳокимиятида прокурорнинг ролига (Сеул Миллий Университети, Корея) оид тақлифлар ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, прокурор назорати оид илмий тадқиқотларда мавзуга алоқадор бўлган айрим масалалар Б.Ҳ.Пўлатов, Ф.Ҳ.Раҳимов, Н.Т.Йўлдошев, Ғ.А.Абдумажидов, О.Т.Ҳусанов, М.А.Раджабова, М.Ҳ.Рустамбаев, М.М.Мамасиддиқов, Г.Р.Маликова, О.М.Мадалиев, У.А.Тухташева, Ш.Р.Қобилов, А.Т.Алламуратов, Х.Каримов, И.Б.Жўраев, М.Махбубов, З.С.Ибрагимов, А.Б.Комилов, У.Абдуолимовлар томонидан ўрганилган.

Прокуратура органларининг шаклланиши ва ривожланиши генезиси, прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрни, прокуратура органлари асосий вазифаларининг таснифига доир жиҳатлар хорижий олимлар – И.П.Пертушевский, Р.Э.Халикова, А.В.Логинов, Н.Кучимов, А.А.Гасанли, Г.В.Андреев, А.Н.Межецкий, Е.Г.Князева, Т.А.Решетникова, М.А.Фролова, С.П.Щерба, В.П.Рябцева, А.И.Алексеев, В.Г.Бессарабовлар томонидан ўрганилган. Прокуратура органлари фаолиятига оид халқаро стандартлар ва уларни миллий қонунчиликка жорий этиш истиқболлари, прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокини такомиллаштириш муаммолари, прокурорлар коллегиял органлари фаолиятини такомиллаштириш истиқболларига оид масалаларга А.Реховский, В.Джуманазарова, Е.Р.Ергашев, Н.В.Григорьев, Ж.Р.Паштов, В.Минигораев, О.Владимирова, В.Н.Додонов, В.Е.Крутских, Е.П.Смирнова,

В.Ю.Шевченко, Р.Ш.Досимбекова¹ каби олимлар ўз муносабатларини билдиришган.

Прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари билан боғлиқ масалаларнинг назарий жиҳатлари тўлиқ ўрганилмаганлиги, комплекс тадқиқот ишлари амалга оширилмаганлиги ушбу мавзунини алоҳида тадқиқ этишни тақозо қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб, “Жиноят процессида шахс ҳуқуқларининг кафолатлари” илмий-амалий грант лойиҳасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган назарий хулосалар ва қонунчиликни ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

прокуратура органларининг шаклланиши ва ривожланиши генезисини тадқиқ этиш, прокуратура органлари асосий вазифаларини таснифлаш ва тегишли илмий хулосалар ишлаб чиқиш;

прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрнини аниқлаш;

прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг принципларини таҳлил қилиш, прокуратура органларининг ташкилий тузилмасини тадқиқ қилган ҳолда уни такомиллаштириш чораларини аниқлаш;

мамлакатни рақамли трансформация қилиш жараёнида прокуратура органлари ролини ошириш истиқболларини тадқиқ этиш;

худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда прокуратура органлари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларини тадқиқ этган ҳолда ушбу жараёнда прокуратуранинг ўрнини аниқлаш;

прокуратура органларининг Олий Мажлис Сенати ва маҳаллий вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларининг асосий йўналишларини очиқ бериш, прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокини такомиллаштириш муаммоларини тадқиқ этиш;

прокуратура органлари фаолиятига оид халқаро стандартлар ва уларни миллий қонунчиликка жорий этиш истиқболларини таҳлил қилиш, ушбу стандартлар асосида прокурорлар коллегиял органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

¹ Ушбу олимлар асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқот предмети прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий давлатларнинг таълим жараёни, соҳага оид қонунчилик ва амалиёт ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий анализ ва синтез, дедукция ва индукция, тизимлилик, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, анкета сўровлари, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан Бош прокурор лавозимига номзодни кўриб чиқиш ҳамда маъқуллаш Сенатнинг мутлақ ваколатига кириши зарурлиги асослантирилган;

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Бош прокурор лавозимига номзодни Сенат маъқуллаганидан кейин лавозимга тайинлайди ва уни лавозимидан озод этади, деган ҳулоса билдирилди;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ҳар йили тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари Кенгашларига ўз фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиши зарур экани асослаб берилган;

прокуратура органлари ва муассасаларига хизматга қабул қилиш, ходимларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини, шахсий фазилатларини ва касбий маҳоратини баҳолаб бориш, шу жумладан, ходимларни аттестациядан ўтказиш, уларга нисбатан интизомий ёки рағбатлантириш чораларини қўллаш, шунингдек кадрларга оид бошқа масалаларни коллегиял ҳал этиш орқали тизимда қонунийликни мустаҳкамлаш, адолатли, холис ва беғаразлиги тўла шаклланган кадрлар заҳирасига эришиш ва жамлаш, шунингдек, прокуратура фаолиятида шаффофликни таъминлаш мақсадида прокуратура органларида Малака кенгашларини ташкил этиш зарурлиги асослантирилган;

Бош прокуратура томонидан қуйи прокуратура органлари ходимларининг Ахлоқ кодекси ҳамда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини доимий мониторинг қилиш, уларнинг мазкур қоидаларга зид хатти-ҳаракатлардан тийилиши ҳамда турли радикал ғоялар таъсирига дучор бўлишининг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек ходимлар ҳулқ-атворида одоб-ахлоқ қоидаларига мос келмайдиган хатти-ҳаракатлар ва (ёки) салбий ҳолатлар кузатилганда жамоатчилик фикрига таяниш механизмини яратиш йўли билан Одоб-ахлоқ кенгашлари фаолиятини ташкил этиш лозимлиги исботланган;

прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми ва давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни, прокуратура органлари тизими, асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари, прокуратура органлари иш фаолиятининг асосий принциплари, прокуратура органлари ходимларини лавозимга тайинлаш, прокуратура ишини ташкил қилиш, янги Ўзбекистон шароитида прокуратура органлари тизимида олиб борилган ислохотларга оид илмий таҳлиллар

натижаларидан олий таълим фаолиятида фойдаланиш лозимлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

2001 йилда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ўз мазмун-моҳиятига кўра давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлардан, ҳуқуқий ислохотлардан, халқаро стандартлардан анча орқада қолганлиги ва турдош қонун ҳужжатларига ҳам мос эмаслиги, “Прокуратура тўғрисида”ги янги Конституциявий қонунни қабул қилиш зарурати вужудга келганлиги илмий асослантирилган;

прокуратура органларида ходимларни танлаш ва тайинлашда, уларнинг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг Ахлоқ кодексига риоя этишларини таъминлашда коллегиял органлар ролини кучайтириш мақсадида Малака кенгаши ва Одоб-ахлоқ кенгаши фаолиятини йўлга қўйиш бўйича чуқур таҳлилларга асосланган таклифлар илгари сурилган;

прокурорларни тайинлаш ва лавозимидан озод этишда халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишга доир таклифлар асослаб берилган;

қонунлар ва улар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда прокуратура органларининг аҳамияти илмий тарзда очиб берилган, прокуратура органлари томонидан бундай экспертизаларни ўтказиш механизмлари ишлаб чиқилган;

мамлакатни рақамли трансформация қилишда прокуратура органлари ролини оширишнинг асосий жиҳатлари илмий таҳлил қилинган ҳамда бу борада янги ташкилий тузилмалар фаолиятини йўлга қўйиш зарурати асослантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик нормалари, халқаро стандартлар, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Тадқиқ этилаётган муаммо бўйича 2 078 нафар прокуратура ходими орасида ижтимоий сўровнома ўтказилган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий натижалари прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳақидаги илмий қарашларни кенгайтиради, прокуратура органларининг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни, вакиллик органлари билан ўзаро муносабатлари каби муҳим назарий масалаларни ҳал қилишда аҳамиятли ҳисобланади. Диссертацияда баён этилган қоидалар, чиқарилган хулосалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ушбу

муаммога доир илмий тадқиқот ўтказишда, прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишда ва такомиллаштиришда, шунингдек, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар”, “Прокурор назорати”, “Кибер ҳуқуқ” фанлари модулларини ишлаб чиқиш ва юриспруденцияга ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқув жараёнида, ўрганилган муаммога оид ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Диссертация ишининг ҳар бир боби якунида келтирилган хулосалар, шунингдек диссертация ишининг хулосасида ўз аксини топган умумназарий тўхтамлар (қоидалар) жиноят ҳуқуқи, прокурор назорати, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар каби ҳуқуқ соҳалари ва институтларини янада такомиллаштиришда, қонун ҳужжатларини ислоҳ қилиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан прокуратура фаолиятига доир қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Бош прокурор лавозимиға номзодни кўриб чиқиш ҳамда маъқуллаш Сенатнинг мутлақ ваколатиға кириши ҳақидаги таклифлар 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган умумхалқ референдумида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 95-моддаси биринчи қисмининг 2-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери биринчи ўринбосарининг 2024 йил 23 сентябрдаги 02-03/2401-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши Бош прокурор номзодини кўриб чиқиш ҳамда маъқуллаш тартибини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Бош прокурорни Сенат маъқуллаганидан кейин лавозимға тайинлаши ва уни лавозимидан озод этиши ҳақидаги таклифлар 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган умумхалқ референдумида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 109-моддаси биринчи қисмининг 11-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери биринчи ўринбосарининг 2024 йил 23 сентябрдаги 02-03/2401-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши Сенатнинг Бош прокурорни лавозимға тайинлаш ва уни лавозимидан озод қилишдаги ўрни ва ролини кучайтиришга ҳамда мазкур жараёнларнинг умумэътироф этилган халқаро стандартларға мувофиқлигини таъминлашға хизмат қилган;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ҳар йили тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари Кенгашларига ўз фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиши ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 17 октябрдаги ЎРҚ-976-сонли Қонуниға мувофиқ Ўзбекистон

Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 5-моддаси саккизинчи қисми иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2024 йил 22 октябрдаги 17-сон далолатномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши прокуратура органлари ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ўртасидаги муносабатларни тўғри ташкил этишга хизмат қилган;

прокуратура органлари ва муассасаларига хизматга қабул қилиш, ходимларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини, шахсий фазилатларини ва касбий маҳоратини баҳолаб бориш, жумладан ходимларни аттестациядан ўтказиш, уларга нисбатан интизомий ёки рағбатлантириш чораларини қўллаш, шунингдек кадрларга оид бошқа масалаларни коллегиал ҳал этиш орқали тизимда қонунийликни мустаҳкамлаш, адолат ва шаффофликни таъминлаш мақсадида прокуратура органларида Малака кенгашлари фаолиятини йўлга қўйиш ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги “Мамлакатимизда қонун устуворлиги ва прокуратура органларининг аҳоли билан янада яқин ҳамкорлигини таъминлашда ходимларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–170-сон Қароридаги Малака кенгашлари тўғрисидаги қоидаларни ишлаб чиқишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари, Малака кенгаши раисининг 2025 йил 31 мартдаги 27/2-59/25-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида Малака кенгашлари фаолияти йўлга қўйилишига имкон берган;

Бош прокуратурада ходимлар томонидан прокуратура органлари ходимларининг Касб одобномаси ҳамда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини доимий мониторинг қилиш, уларнинг мазкур қоидаларга зид хатти-ҳаракатларини ҳамда турли бузғунчи кучлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек ҳуқ-атворида одоб-ахлоқ қоидаларига мос келмайдиган хатти-ҳаракатлар ва (ёки) салбий иллатлар кузатилган ходимларни жамоатчилик таъсирини ўтказиш орқали тарбиялаш мақсадида Одоб-ахлоқ кенгашлари фаолиятини ташкил этиш ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2023 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида Одоб-ахлоқ кенгашларини ташкил этиш ҳақида”ги 286-сонли буйруғини ишлаб чиқишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ташкилий-назорат ва таҳлилоти бошқармасининг 2023 йил 26 декабрдаги 7-47-23-сон далолатномаси). Мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида Одоб-ахлоқ кенгашлари фаолиятини йўлга қўйиш имконини берган.

прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми ва давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни, прокуратура органлари тизими, асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари, прокуратура оргалари иш фаолиятининг асосий принциплари, прокуратура органлари ходимларини лавозимга тайинлаш,

прокуратура ишини ташкил қилиш, янги Ўзбекистон шароитида прокуратура органлари тизимида олиб борилган ислохотларга оид илмий таҳлиллар натижаларидан Тошкент давлат юридик университети ўқув жараёнида, жумладан муаллифлар жамоаси томонидан 2024 йилда чоп этилган “Конституциявий ҳуқуқ” дарслигининг XXVIII мавзусини шакллантиришда фойдаланилган (Тошкент давлат юридик университетининг 2025 йил 22 апрелдаги 18-03-676/8-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф бўлажак ҳуқуқшунослар ҳамда конституциявий ҳуқуқ фанига қизиқувчиларнинг соҳага оид билим ва кўникмаларини оширишга, янги Ўзбекистонда прокуратура органлари фаолиятига оид амалга оширилган ислохотларнинг (шу жумладан конституциявий ислохотларнинг) мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик эътиборига етказишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуманда, жумладан 5 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан 1 та монография, 19 та илмий мақола (6 таси хорижий нашрда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Прокуратура органларининг ривожланиш тарихи ва улар фаолиятини ташкил этишнинг фундаментал асослари”** деб номланган **биринчи бобида** прокуратура органларининг шаклланишига оид илмий-назарий қарашлар ва ушбу органларнинг ривожланиши генезиси, прокуратура органлари асосий вазифаларининг таснифи ҳамда прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг принциплари таҳлил этилган.

Муаллиф томонидан прокуратура органлари турли хил омиллар, яъни, тарихий, ижтимоий-сиёсий вазият, ҳуқуқий тизимларнинг хусусиятлари, мақсад ва ваколатларининг ўзига хослиги нуқтаи назаридан шаклланиб,

такомиллашиб бориши асослаб берилди ҳамда прокуратура органларининг шаклланиши ва ривожланиши бўйича олимларнинг ёндашувларини икки хил мезон асосида таснифлаш лозим, деган хулосага келинди. Яъни, прокуратура органларнинг шаклланиши, ривожланиши (эволюцияси), фаолият мазмунига оид концепция ва назариялар бўйича тасниф (бундай тарздаги таснифлаш хорижий олимлар – Ю.Ма, Б.Форст, М.Тонри, Р.Райт, Т.Вилкова, Р.Мазюклар томонидан илгари сурилган) ва прокуратура органларининг тарихий-тадрижий ривожланиши нуктаи назаридан муайян даврларга ажратилган ҳолдаги тасниф (миллий олимларимиз – М.Махбубов, З.Ибрагимов, Г.Маликова, У.Абдуолимовлар томонидан ёритилган) амалга оширилди.

Тадқиқот натижасида Ўзбекистон ҳудудида прокуратуранинг вужудга келиши ва ривожланишини беш асосий босқичга бўлиб ўрганиш таклиф этилди: *қадимги ва ўрта асрларда қонунийликни назорат қилиш; хонликлар (амирлик) даврида қонунийликни назорат қилиш; Россия империяси даврида Туркистонда прокуратуранинг шаклланиши; Совет даврида Ўзбекистон ҳудудида прокуратуранинг шаклланиши; мустақиллик даврида прокуратура органлари ташкилий-ҳуқуқий асосларининг ривожланиши* (мустақил Ўзбекистонда прокуратура органлари **ҳуқуқий асосларининг шаклланиши даври (1991–2000 йиллар)**); давлат органлари тизимида прокуратура органларининг **роли ва ўрнини мустаҳкамлаш даври (2001–2015 йиллар)**; прокуратура органларининг фаолиятини **такомиллаштириш даври (2016 йилдан кейинги давр)**.

Илмий-тарихий манбаларнинг таҳлили асосида давлатимиз ҳудудида, яъни, Туркистонда 1887 йилда илк бор вилоятлар даражасида прокуратуралар тузилиб, Россия империяси прокуратурасига бўйсундирилгани, 1899 йилда ҳар бир вилоятда округ судлари қошида округ прокуратуралари ташкил этилгани аниқланди.

Совет даврида прокуратура ўзига хос жараёнларни бошдан кечириб, Туркистонда ягона марказлашган прокуратура тизимининг пайдо бўлгани (1922 йил 9 майда Туркистон МИК томонидан “Туркистон АССР давлат прокуратураси тўғрисида”ги низом қабул қилинган), прокурорнинг қонунчилиқни таъминлаш борасидаги фаолияти аниқ белгилангани, мазкур фаолиятнинг шакл ва услублари тартибга солингани, шунингдек прокурор-тергов лавозимларига фақатгина олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар қабул қилиниши илк бор белгилангани (СССР Олий Советининг 1955 йил 28 декабрдаги қарор билан тасдиқланган “СССРда прокурорлик назорати тўғрисида”ги Низом), прокуратура органлари илк бор конституциявий мақомга эга бўлгани (1977 йилги СССР ва 1978 йилги Ўзбекистон ССР Конституциялари), прокуратура идораларининг марказлашган тизими яратилгани, қонун ижодкорлигининг муҳим элементи бўлган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи СССР Бош прокурори ва республика прокурорларига берилгани (1979 йил 30 ноябрдаги “СССР прокуратураси тўғрисида”ги Қонун) очиб берилди. Шу билан бирга прокуратура органларининг икки томонлама бўйсунуви (МИК ва Бош прокуратурага)

туфайли институционал мустақиллиги ва холислиги таъминланмагани ҳақида хулосага келинди.

Мустақил Ўзбекистонда прокуратура органлари **ҳуқуқий асосларининг шаклланиши даврида** (1991–2000 йиллар) амалга оширилган ислохотлар Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари чинакам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органи сифатида шакллангани, хусусан конституциявий орган сифатида ҳуқуқий мақоми белгилангани, **прокуратура органларининг роли ва вазифаларини такомиллаштириш даври** (2001–2015 йиллар) прокуратура органларининг жамиятда қонунийликни таъминлаш борасидаги ўрни ва ролининг янада такомиллашувига хизмат қилгани, бу борадаги ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлангани, **2016 йилдан кейинги босқичда прокуратура органлари чинакам халқ прокуратурасига, яъни, халққа хизмат қилувчи, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини том маънода ҳимояловчи органга** айлангани асослаб берилди.

Собиқ иттифоқ прокуратураларининг конституциявий-ҳуқуқий мақомини тадқиқ қилган олимлар уларни қуйидаги моделларга ажратишган:

“Совет” модели – қонунийликка риоя этилиши устидан назорат олиб боровчи ва жиноий таъқибни, жумладан дастлабки терговни амалга оширувчи мустақил орган сифатидаги (Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Польша, Тожикистон, Ўзбекистон);

“Европа” модели – прокуратура формал жиҳатдан адлия ёки суд тизимига кирувчи ва фақат жиноий таъқибни амалга оширувчи ёхуд судда давлат айбловини қўлловчи орган бўлган (Арманистон, Болгария, Латвия, Литва, Молдова, Украина, Чехия, Эстония);

“Россия” модели – прокуратура кенг назорат ваколатларини сақлаб қолган, бироқ, судгача бўлган жиноий таъқибни амалга ошириш ваколатлари қисқартирилган мамлакатлар (Россия Федерацияси).

Миллий олимларнинг Ўзбекистон прокуратураси органлари давлат ҳокимиятининг бирор бир тармоғига кирмаслиги ҳақидаги, шунингдек МДХ давлатлари илмий ҳамжамиятининг прокуратура тизими ҳокимиятнинг турли тармоқларига кирмаслиги лозимлиги, мустақиллиги, сиёсий таъсирдан холи бўлиши, юқори марказлашган давлатчиликда кучли назорат қилувчи институтга айланиши ҳақидаги фикрлари таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида прокуратура назоратига конституциявий мақом берилиши прокуратура органларининг конституциявий қонунийликни таъминлаши мазмун-моҳиятини англаштириши, айнан шу жиҳатдан прокуратура органлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмаларидан фарқ қилиши илмий асослантирилди.

Прокуратура вазифаларини тадқиқ этиш жараёнида шундай хулосага келиндики, қонуннинг вазифаларга оид нормалари прокуратура фаолияти мақсадларини, фаолияти йўналишлари эса прокуратура амалга ошириши лозим бўлган ишлар, яъни вазифа ва ундан келиб чиқувчи функцияларни назарда тутди.

Прокуратура органлари вазифалари доираси ва уларнинг аҳамияти борасидаги халқаро стандартлар таҳлил қилиниб, прокуратура вазифалари *“шахс, жамият ва давлатнинг манфаатлари йўлида”* қонуннинг қўлланилишини таъминлаш учун ҳамда қонун асосида прокурорларга берилган ваколатлар доирасида амалга оширилиши, бундай ваколатлар **қонун билан иложи борица аниқроқ тартибга солиниши** кераклиги ҳақидаги қоидалар қўллаб-қувватланди.

Таҳлиллар натижасида **прокуратура органлари вазифалари** – қонунда назарда тутилган ҳамда прокуратура органлари бажариши шарт бўлган, қонунни қўллаш амалиётида натижага йўналтирилган фаолияти, деган хулосага келинди.

Қонунчилик ижроси назоратини алоҳида ижро органлари орқали амалга ошириш ҳақидаги фикрлар таҳлил қилиниб, прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат функциясидан маҳрум этиш мамлакатда қонунийликни таъминлаш тизимига салбий таъсир кўрсатиши, прокурорлар обрўсини пасайтириши, уларни қонун бузилиши ҳолатларига қарши курашишнинг аниқ механизмларидан маҳрум этиши, шунинг учун прокуратуранинг ушбу функцияларини сусайтириш мамлакатда Конституцияни қўриқлашнинг мавжуд тизимини кучсизлантиришга олиб келиши, бинобарин, қонунлар ижроси устидан назорат қилиш **фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш**га қаратилиши лозимлиги асосланганлиги асосланганлиги.

Олимлар томонидан прокуратуранинг асосий ва умумий вазифалари сифатида: 1) қонун бузилишларини ўз вақтида аниқлаш; 2) ўз вақтида қонун бузилишларини бартараф этиш; 3) қонун бузилишларининг олдини олиш илгари сурилган. Мазкур вазифалар таҳлил қилиниб, прокуратуранинг асосий вазифалари ҳақидаги баҳслар, одатда, унчалик катта аҳамиятга эга бўлмаслиги, зеро, ўхшаш ҳуқуқий тизимларда, ҳатто бутун бир ҳуқуқ оилалари доирасида бундай вазифалар доим жуда бир-бирига яқин ва уйғун бўлиши қайд этилди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган прокуратура органларининг асосий вазифалари таҳлили, бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётган соҳаларда прокурор назоратини таъминлаш заруратидан келиб чиқиб, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга прокуратура органларининг асосий вазифалари қаторига **“қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш”, “атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” “коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш”** каби вазифаларни киритиш таклиф этилди.

Диссертациянинг **“Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишни ҳуқуқий таъминлаш масалалари”** номли иккинчи бобида прокуратура органларининг тизими ва уни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, мамлакатни рақамли трансформация қилиш жараёнида прокуратура органлари ролини оширишнинг асосий жиҳатлари ва уни такомиллаштириш истиқболлари, Янги Ўзбекистон шароитида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда прокуратура органлари фаолиятини самарали ташкил этишнинг долзарб масалалари таҳлил этилган.

Диссертантнинг фикрича, “давлат органининг ташкилий тузилмаси” тушунчаси “бошқарув тизимининг ташкилий тузилмаси”ни ҳам ўз ичига олади ва иккала тушунчани бир-биридан ажратиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу нуқтаи-назардан, прокуратура органларининг ташкилий тузилмасига таъриф беришда қуйидаги жиҳатларни инобатга олиш лозим:

а) *прокуратура органларининг ташкилий тузилмаси ушбу органларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларини таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради;*

б) *прокуратура органларининг ташкилий тузилмаси бевосита ушбу органларнинг асосий фаолият йўналишлари билан боғлиқдир;*

в) *прокуратура органларининг ташкилий тузилмасини ташкил этиш қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилади;*

г) *прокуратура органларининг ташкилий тузилмаси доимий равишда такомиллашиб, ўзгариб боровчи институт ҳисобланади.*

Прокуратура органларининг ташкилий тузилмаси биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишга қаратилганлигини таъкидлаш жоиз. Шу аснода Бош прокуратура тузилмасида тармоқларни белгилашда давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб устуворлик қаратиш алоҳида аҳамиятга эга. Яъни, Бош прокуратуранинг “умумий назорат” йўналишидаги тармоқлари ислохотлардан келиб чиқиб, доимий ўзгариб боради, янгилари тузилади, айримлари мақбуллаштирилади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5019-сон Фармони билан тасдиқланган прокуратура органларининг амалдаги ташкилий тузилмаси таҳлили айнан шу мақсадга йўналтирилган.

Шу ўринда сўнгги йилларда давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим соҳаларда қонун устуворлигини қатъий таъминлаш, қонун бузилишида айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигига эришиш бўйича прокуратура органларига қўшимча вазифалар юклатилаётганлигини, прокуратура органлари иш юкламасининг ошиб бораётганлигини ва бу ҳолат ўз навбатида, ишнинг сифатига ҳам таъсир қилмай қолмаётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Бундан ташқари, прокуратура тузилмасида тез-тез янги тузилмаларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг гоҳ шакллантирилиб, кейин тугатилиши прокуратура органлари фаолиятини мураккаблаштирмоқда.

Амалдаги қонунчиликка асосан Мажбурий ижро бюроси зиммасига юклатилган вазифалар бевосита прокуратура органларининг анъанавий концепциясига зид эканлигини ҳамда сўнгги йилларда ижро фаолияти устидан прокурорлик назорати институти самарадорлиги пасайиб бораётганлигини инобатга олиб, *Мажбурий ижро бюросини прокуратура органлари тизимидан чиқариш мақсадга мувофиқлиги* асослаб берилди.

Истиқболда прокуратура органлари тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши сифатида фаолиятни *рақамлаштириш* лозимлиги қайд этилди. Рақамли назорат тизимлари ҳамда сунъий интеллект технологияларини қўллаш орқали прокуратура органлари фаолиятининг

сифатини янги босқичга кўтариш, инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш ва назорат механизмларининг шаффофлигини таъминлаш замирида таркибий тузилмаларни мақбуллаштириш имконияти кенгайди.

Умуман олганда, Ўзбекистон прокуратура органлари тизимининг такомиллаштирилиши фақат ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар эмас, балки прокуратуранинг ҳуқуқий давлатдаги ўрни ва ролини қайта англаш, унинг фаолиятини замонавий талаблар ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш жараёнидир.

“Statista’s Market Insights” маълумотларига кўра, дунёда кибержиноятчиликдан кўриладиган зарар 2028 йилга келиб 13,82 триллион АҚШ долларига етиши тахмин қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибида *Кибержиноятчиликка қарши курашиш борасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимининг* ташкил этилгани, энг аввало, кибержиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришда ягона ёндашувни таъминлашга имкон беради.

Иккинчидан, прокуратура органларининг рақамли муҳитда тезкор-қидирув тадбирлари ва жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатларини ўтказишда қонунийликка риоя этилиши устидан самарали назорат ўрнатишига хизмат қилади. Яқин истиқболда ушбу бўлимнинг шахсий таркиби ва ваколат доираси кенгайиб, Бош прокуратуранинг алоҳида бошқармаси сифатида қайта ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилди. Бу сўнгги 3 йилда кибержиноятлар 676,7 фоизга ошиб, бундай тоифадаги жиноятлар 2022 йилда 7570 та содир этилган бўлса, 2024 йилда 58 800 тани ташкил этгани, жорий йилнинг 6 ойида эса 22 862 та кибержиноят содир этилгани билан асослантирилди.

Тадқиқот давомида мазкур соҳадаги бошқа муҳим масалалар ҳам диққатимиз марказида бўлди. Хусусан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг биринчи ўринбосари раҳбарлигида Мамлакатда кибержиноятларга қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштирувчи кенгашни ташкил этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири сифатида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институтининг рақамли криминалистика бўйича суд экспертизаларини ўтказиш, шунингдек кибержиноятларга қарши курашишга ва рақамли терговга кўмаклашишга оид амалий функцияларини *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибига ўтказиш* зарурлиги таъкидланди.

Мамлакат ривожланиши учун амалга оширилаётган Ўзбекистонни рақамли трансформация қилиш кўлами ва моҳияти прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштириш аҳамиятини кенгайтиради. Бинобарин, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва у билан боғлиқ қонунчиликнинг ижроси устидан самарали назорат ўрнатишда Бош прокуратура таркибий тармоқларига кўмаклашиш учун махсус бўлинма –

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

“Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва у билан боғлиқ норматив-ҳукукий ҳужжатлар ижроси устидан назорат ўрнатишда тегишли тармоқларга кўмаклашиш, давлат органларида ахборот-коммуникация технологиялари жорий этишда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни таъминлашга кўмаклашиш каби вазифаларни юқорида номи зикр этилган бўлимнинг асосий вазифалари сифатида қайд этиш лозим.

Кадрлар салоҳиятини ривожлантириш Ўзбекистонда рақамли трансформация жараёнида прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Шу мақсадда Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида ўқишнинг бакалавриат босқичида “Киберҳуқуқ” янги таълим йўналишини ташкил этиш ижобий натижаларга олиб келади. Ушбу тажриба АҚШда Гарвард ҳуқуқ мактаби рақамли ҳуқуқ ва киберхавфсизлик бўйича махсус курсларнинг ташкил этилганига¹, Стэнфорд университетида ҳуқуқ ва технологиялар туташган соҳада мутахассисларни тайёрлайдиган “Law, Science & Technology” дастури амалга оширилаётганига ҳамоҳангдир².

Қолаверса, тадқиқотчи томонидан ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, иштирокчиларнинг аксарияти ёки 48,1 % (1000 нафар) Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида алоҳида “киберҳуқуқ” бўйича бакалавр йўналишини ташкил этишни долзарб деб ҳисоблайди (36,9 % (768 нафар) *респондент эса, ТДЮУдаги йўналишини инобатга олиб, Академияда алоҳида “кибер ҳуқуқ” йўналишини ташкил этмасликни, 14,9 % (310 нафари) прокуратура ходимлари мутахассисларни жалб этиш ҳуқуқига эга эканлигини инобатга олиб, бунга зарурат йўқ деб жавоб берган*).

2017 йилда жорий этилган секторлар тизими маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг институционал мустақиллигини мустаҳкамлаш, бюрократик жараёнларни оптималлаштириш ҳамда аҳоли эҳтиёжларига яқинлаштирилган давлат бошқаруви механизмларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу тизим давлат ва фуқаролар ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқотни институционал жиҳатдан мустаҳкамлаб, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий масалаларни манзилли ва тезкор ҳал этиш имкониятларини кенгайтирди. 2025 йилдан эътиборан прокуратура органлари секторлардан чиқарилгани, жойларда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда муҳим институционал қадам сифатида баҳоланади.

Диссертациянинг **“Прокуратура органларининг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ҳамда вакиллик органлари билан ўзаро муносабатлари”** номли учинчи бобида прокуратура органларининг ҳукукий

¹ <https://hls.harvard.edu/research-programs-centers/> (мурожаат қилинган сана: 10.02.2025).

² <https://law.stanford.edu/stanford-program-in-law-science-technology/> (мурожаат қилинган сана: 10.02.2025).

мақоми ҳамда давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрни, прокуратура органлари ва Олий Мажлис Сенати ўзаро муносабатларининг асосий йўналишлари ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, шунингдек ҳудудларда қонунийликни таъминлашда прокуратуранинг маҳаллий вакиллик органлари билан муносабатларини ташкил этишни ҳуқуқий таъминлаш масалалари ўрганилган.

Прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми ҳамда давлат органлари тизимидаги ўрни тегишли илмий-назарий қарашлар ва қонунчилик тажрибасига кўра 3 та шартли гуруҳга ажратган ҳолда таҳлил қилинди: 1) одил судлов органи; 2) ижро ҳокимияти органи ва 3) кенгроқ ваколатли мустақил назорат қилувчи орган.

Диссертация тадқиқоти давомида хорижий давлатлар прокуратура органларининг **давлат ҳокимияти тизимидаги** ўрни алоҳида ўрганилди. Жами **99 та давлат** (*45 та Осиё, 44 та Европа, 7 та Шимолий ва Жанубий Америка ҳамда 3 та Океания мамлакатлари*) қонунчилиги ўрганилиб, уларнинг **42** тасида прокуратура органлари ижро ҳокимияти тизимида, **23** тасида суд ҳокимияти тизимида ҳамда **34 тасида** мустақил орган сифатида фаолият юритиши аниқланди.

Прокуратура органларининг Осиё ва Европа мамлакатлари кесимида таҳлили амалга оширилганда Осиё минтақаси давлатларининг ярмидан кўпроғида (23) прокуратура ижро ҳокимияти тизимида фаолият юритса, суд ҳокимияти тизимида 5 та давлатда ўз ишини олиб бораётганлиги аниқланди. Европа давлатларида ушбу тенденциянинг аксига гувоҳ бўлдик. Аниқроқ айтадиган бўлсак, 44 та давлатнинг 15 тасида прокуратура органлари ижро ҳокимияти тизимидан ўрин олган бўлса, 17 тасида суд ҳокимияти тизимида ўз фаолиятини амалга оширади. Европа мамлакатларида прокуратуранинг давлат ҳокимиятидаги ўрнининг ўзига хос жиҳати шундаки, кўплаб давлатларда (Франция, Бельгия, Нидерландия, Дания, Польша, Руминия) прокуратура адлия вазирлиги таркибига кириб, шу билан бирга суд органларига тааллуқлилигини ва судлар ҳузурида фаолият юритишини кўриш мумкин.

Шунингдек, **99 та** мамлакатнинг **ҳуқуқ тизими** доирасида ҳам таҳлил амалга оширилганда (*56 та давлат романо-герман ҳуқуқ тизимида кирса, 25 таси аралаш, 8 таси англо-саксон, 5 таси скандинавия, 3 таси ислом ҳуқуқи, биттаси диний-ҳуқуқий, биттаси социалистик тизимга қиравчи мамлакатлар саналади*) прокуратура органларини ташкил этишнинг ягона ёндашувига дуч келмадик.

Прокуратура органлари шаклланиши тарихи шуни кўрсатдики, Ўзбекистон (шунингдек, кўпчилик МДХ мамлакатларида) ҳуқуқий тизимида прокуратура тарихан мустақил орган сифатида шаклланган ва бу ҳуқуқий анъанага айланган. Мустақилликдан кейинги прокуратура органлари тизими ривожланиши ҳам айни шу йўналишда давом этди ва мустақил, ҳеч бир ҳокимият тизимида қирмайдиган ва асосий функцияси одил судловга кўмаклашишдан ташқари кенгроқ назорат қилиш бўлган прокуратура тизими шаклланди.

Тадқиқотчи прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ва функциялари прокуратуранинг замонавий ҳуқуқий тизимлардаги роли ва прокуратуранинг ҳокимият тизимидаги ўрнидан, энг муҳими тарихий, ижтимоий-сиёсий вазият, ҳуқуқий тизимлар, аҳоли дунёқараши ва менталитетининг ўзига хослиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб шаклланади, бир сўз билан айтганда, дунёда прокуратура органларининг ягона модели мавжуд эмас, деган қатъий тўхтамга келади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми алоҳида тавсифларга асосан таҳлил қилинди ва ушбу тавсифлар қонунга конституциявий мақомни бериш учун асос эканлиги таъкидланди. Прокуратура органларининг асосий вазифалари, прокурорларнинг ваколат муддати, мустақиллиги ва сиёсий холислигига оид устувор нормалар Асосий қонунда (143–145-моддалар) мустаҳкамланган; Ўзбекистон ҳудудларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши Конституцияда (143-модда) мустаҳкамланган; мамлакатда 2023 йилда амалга оширилган конституциявий ислоҳотлар натижасида Бош прокурор лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш институти ислоҳ қилинди (95, 109-моддалар); Конституциянинг 98-моддасига биноан Бош прокурор ўз ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга; прокуратура органлари ўз ваколатларини бошқа давлат органларидан, ўзга ташкилотлардан, мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат Конституция ва қонунларига бўйсунган ҳолда амалга оширади; Олий Мажлис Сенатининг Бош прокурорнинг ҳисоботини эшитиши билан боғлиқ мутлақ ваколати давлат органларидан мустақил равишда фаолият олиб боровчи прокуратура органлари устидан самарали парламент назоратини ўрнатишнинг конституциявий кафолати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ, прокуратура органларининг Олий Мажлис Сенати билан ўзаро муносабатлари турли хил шаклларда (*қонунчилик ташаббуслари, назорат функциялари, ахборот алмашинуви, ҳисобдорлик ва бошқа ташкилий тадбирлар*) амалга оширилади:

1. *Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш.* Аксарият мамлакатларда Бош прокурорни тайинлашнинг Ўзбекистон моделини учратдик. Хусусан, АҚШ, Литва, РФ, Қозоғистон, Озарбайжон, Беларусь, Украина, Қирғиз мамлакатларида Бош прокурор парламент (аксариятида юқори палата) билан келишувлар ва унинг розилиги асосида Президент томонидан тайинланади;

2. *Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Олий Мажлис Сенати олдидagi ҳисобдорлиги.* Прокуратуранинг мустақиллиги ва ҳисобдорлиги ўртасидаги мувозанатни таъминлаш масалалари халқаро стандартларда, хусусан Европа прокурорлари маслаҳат кенгашининг 2018 йилдаги 13-сонли хулосасида баён этилган. Унда прокурорлар демократик институтларга ҳисобдор бўлиш билан бирга, мустақил бўлишлари кераклиги таъкидланган;

3. *Бош прокурорнинг тақдимномасига асосан сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини ҳал қилиш.* Сенат аъзоларини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этишнинг конституциявий механизми прокуратура ва парламент мустақиллиги ўртасидаги мувозанатни таъминловчи мураккаб ҳуқуқий тизим ҳисобланади;

4. *Бош прокурорнинг Олий Мажлис Сенатининг мажлисларида иштирок этиши.* Бош прокурорнинг Сенат мажлисларида иштирок этиши прокуратура ва қонун чиқарувчи ҳокимият органларининг институционал ҳамкорлигининг асосий жиҳатларидан биридир;

5. *Коррупцияга қарши курашишдаги ҳамкорлик.* Бош прокуратура ва Олий Мажлис Сенати ўртасидаги коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик коррупцияга қарши курашиш миллий тизимидаги энг муҳим институционал механизм ҳисобланади.

Мамлакатимизда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ҳамда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг яқин ҳамкори сифатида Бош прокурорнинг Олий Мажлисидаги доимий вакили институтини таъсис этиш ва унинг вазифаларини амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамлаш зарур.

Ҳудудларда қонунийликни таъминлашда прокуратура органлари ва маҳаллий вакиллик органларининг ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Прокуратуранинг маҳаллий вакиллик органлари билан ўзаро ҳамкорлиги – бу уларнинг ўзаро боғлиқ, мазкур органларнинг ваколатлари доирасида, уларнинг ҳар бирига хос бўлган усуллар ва услублар билан амалга ошириладиган, шунингдек умумий вазифаларни ҳал қилиш ва шахс, жамият ва давлат манфаатлари уйғунлигини таъминлашга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолиятидир.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорларининг тегишли Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашларига ахборот тақдим этишининг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади: а) давлат ҳокимиятининг бирорта тармоғига кирмайдиган прокуратура органлари фаолиятида тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлашга хизмат қилади; б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари фаолиятида шаффофликни таъминлайди; в) маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлар орқали прокуратура органлари фаолияти устидан таъсирчан депутатлик назорати ўрнатилишига хизмат қилади.

Диссертант ҳудудий прокурорлар томонидан халқ депутатлари Кенгашлари депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги тақдимномани киритиш ҳамда халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари томонидан ҳудудий прокурорларга сўровлар юбориш каби ўзаро муносабат шакллари ҳуқуқни қўллаш амалиётида долзарб аҳамият касб этаётгани ҳамда ушбу муносабатлар ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш тамойилларига асослангани билан аҳамиятли, деган хулосага келади.

Диссертациянинг “**Прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболлари**” номли **тўртинчи бобида** прокуратура органлари фаолиятига оид халқаро стандартлар ва уларни миллий қонунчиликка жорий этиш, прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокини, прокурорлар коллегиял органлари фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари ўрганилган.

Тадқиқот ишининг ушбу бобида ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро стандартларни давлат органлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига жорий этиш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлса-да, прокуратура органлари фаолияти мустақиллигини таъминлаш, уларнинг касб этикаси, прокурорлар ҳамжамияти ва ушбу соҳада жамоатчилик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича халқаро стандартларни жорий этиш зарурати мавжудлигига эътибор қаратилган.

Мазкур бобда ёзилишича, прокурорлар мустақиллигини таъминлаш зарурати кўплаб ҳужжатларда, масалан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХХТ) “Прокурорларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича тавсиялари”да, Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг “Жиноий одил судловда прокуратуранинг роли тўғрисида”ги тавсияларида ўз аксини топган бўлиб, уларда прокурорларнинг мустақил мақомини таъминлаш учун минимал талаблар сифатида уларнинг мақоми ва фаолияти прокуратуранинг ўзидан бошқа ҳеч бир манба таъсирига ёки аралашувига дучор бўлмаслиги кераклиги ҳамда уларнинг хизматни ўташ билан боғлиқ масалалари қонундаги кафолатлар доирасида ҳал қилиниши лозимлиги белгиланган. Халқаро стандартларда прокурорлар мустақиллигининг иккита мезони мавжуд: а) институционал мустақиллик мезонлари; б) функционал мустақиллик мезонлари мустаҳкамланган.

Европа бош прокурорлари конференцияси томонидан 2005 йил 31 майда “Прокурорларнинг касб этикаси ва хулқ-атворида оид Европа раҳбарий принциплари” (Будапешт принциплари) қабул қилинган бўлиб, прокурорларнинг касб этикаси **тўрт гуруҳга** ажратилган:

1) *умумий мажбуриятлар* (ҳар доим ва ҳар қандай шароитларда ўз функцияларини адолатли, холис, узлуксиз ва тезкор бажариш; инсоний шаън ва кадр-қимматни ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш; ўз ҳаракатларини жамият номидан ва жамоатчилик манфаатлари йўлида амалга ошираётганлигини эътиборга олиш ва ҳоказо);

2) *умумий касбий хулқ-атвор* (ҳамиша ўз касбининг шаъни ва кадр-қимматини қўллаб-қувватлаш; ўз мавқеидан фойдаланиб, ноқонуний таъсир кўрсатмаслик; зарур ахборотга эга бўлиш, тегишли ҳуқуқий ва ижтимоий ходисалардан хабардор бўлиш; холис ва беғараз бўлиш, мулоқот ва жамоавий ишни таъминлаш; ўз мажбуриятларини адолат билан, қўрқув, бирор бир устуворликларсиз ёки ҳис-туйғуларга берилмасдан бажариш ва ҳоказо);

3) *жиноят суд иш юритуви доирасидаги касбий хулқ-атвор* (одил суд муҳокамаси принципига риоя этиш; ўз функцияларини адолатли, беғараз, холис ва қонунда белгиланган доирада ва мустақил амалга ошириш; жиноят суд иш юритувида тезкорликни таъминлашга ҳаракат қилиш; айбсизлик презумпциясини ҳурмат қилиш; жиноят иши қўзғатилгунга қадар барча зарур ва оқилона тергов ишларини ва сўровларни амалга ошириш; жиноят иши бўйича гумон қилинувчига тегишли барча ҳолатларни, улар унинг фойдаси ёки зарарига бўлишидан қатъи назар, эътиборга олиш ва ҳоказо);

4) *шахсий хулқ-атвор* (шахсий ҳаётда ҳалоллик, одиллик ва беғаразликка содиқлигини шубҳа остига қўймаслик; қонунни ҳурмат қилиш ва риоя этиш; учинчи шахслардан совға, ютуқ, имтиёз, рағбатлантириш ёки меҳмондўстлик белгиларини қабул қилмаслик ёхуд ўзининг ҳалоллиги, одиллиги ва беғаразлигини шубҳа остига қўювчи бирор бир вазифани бажармаслик).

Халқаро стандартларда прокурорлар ҳамжамияти бўйича аниқ тавсиялар бўлмаса-да, қатор халқаро стандартларни амалга оширишда айнан ушбу тузилмаларнинг ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга.

Хусусан, Венеция комиссиясининг 2011 йил 3 январдаги “Суд тизими мустақиллигининг европача стандартлари: 2-қисм – прокуратура органлари” деб номланган маърузасида прокуратурага раҳбарлик қилиш соҳасида прокуратура раҳбариятига номзодларни танлашнинг аниқ, ошкора механизмларини белгилаш, раҳбарларни танлашда ҳуқуқий ҳамжамият, шу жумладан, прокурорлар ва фуқаролик жамияти иштирокини назарда тутиш, прокуратура раҳбарияти доимий ёки фақат бир марта узоқ муддатга (камида беш йил) лавозимига тайинланиши/сайланишини белгилаш; Бош прокурор ваколат муддати уни лавозимга тайинлаётган/сайлаётган органнинг ваколат муддати билан бир пайтга тўғри келмаслигини таъминлаш; прокуратура раҳбариятини лавозимидан озод этиш учун асосларни қонун билан белгилаш каби тавсиялар берилган.

Тадқиқотчи, прокуратуранинг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокининг “Бош прокурорнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш; прокуратурага келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ҳамда тегишли ҳуқуқий ҳулосалар тайёрлаш; давлат дастурлари бўйича қонун ижодкорлиги билан боғлиқ таклифлар тайёрлаш; прокурорларнинг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар йиғилишларида иштирок этиши; қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва уларнинг қабул қилиниши муносабати билан Олий Мажлис палаталари қўмиталари, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида, Олий Мажлис палаталари ялпи мажлисларида иштирок этиш; қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектларга таклифлар киритиш” каби шакллари ажратиб кўрсатади ҳамда “прокуратура органларининг юқорида қайд этилган қонун ижодкорлигидаги иштироки шакллари асосий ва қўшимча шаклларга бўлиб ўрганиш”ни таклиф қилади.

Мазкур боб доирасида диссертант Бош прокурорнинг қонунчилик ҳуқуқи ташаббусини рўёбга чиқаришда, яъни, қонунлар лойиҳаларини ишлаб

чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий ёндашувни кучайтириш масаласини ҳам ўрганади. Хусусан, унинг фикрича, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ушбу ҳуқуқини самарали амалга ошириш учун Бош прокуратуранинг Қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармаси фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бунда қонун лойиҳаларига таклифлар киритишда Бош прокуратура тармоқлари ҳамда ҳудудий прокуратураларнинг роли сезиларли даражада юқори бўлиб қолмоқда. Бироқ, тадқиқотчи қонун лойиҳаларига таклифлар амалиётдан келиб чиқиб ишлаб чиқилган бўлса-да, уларни илмий жиҳатдан асослантириш муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳамда шу боис, қонунларни ишлаб чиқишда ва уларни илмий экспертизадан ўтказишда олимларнинг иштироки ниҳоятда зарур ва долзарб аҳамият касб этаётганини асослантириб беради.

ХУЛОСА

“Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосалар, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ва функциялари прокуратуранинг замонавий ҳуқуқ тизимларидаги роли ва прокуратуранинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрнидан, энг муҳими, тарихий, ижтимоий-сиёсий вазият, ҳуқуқий тизимлар, аҳоли дунёқараши ва менталитетининг ўзига хослиги нуктаи назаридан келиб чиқиб белгиланиши лозим, деган хулоса асослантирилди.

2. Прокуратура органлари вазифалари доираси ва уларнинг аҳамияти борасидаги халқаро стандартларга таяниб, прокуратура органлари вазифалари *“шахс, жамият ва давлатнинг манфаатлари йўлида”* қонунга қатъий риоя қилишни таъминлаш ҳамда қонун асосида прокурорларга берилган ваколатлар доирасида амалга оширилиши, вазифа ва ваколатлар фақат **қонун билан аниқ тартибга солиниши** кераклиги асослантирилди.

3. Прокуратура органлари **фаолиятига оид қатор концепциялар, назариялар, қарашлар ва ёндашувлар** илмий таҳлил қилиниб, прокуратуранинг вазифалари мазмун-моҳияти, давлат органлари тизимидаги ўрни, прокуратура органлари томонидан қарор қабул қилиш жараёнлари ва умумий ўзаро боғлиқ хусусиятлари динамикасида келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши асослантирилди (*легалистик назария, сиёсий прокуратура назарияси, тизим самарадорлигига йўналтирилган назария, ретрибутив адолат назарияси, маданий прокуратура назарияси*).

4. Тадқиқот натижасида Ўзбекистон ҳудудида прокуратуранинг вужудга келиши ва ривожланишини беш асосий босқичга бўлиб ўрганиш таклиф этилди: *қадимги ва ўрта асрларда қонунийликни назорат қилиш; хонликлар*

(амирлик) даврида қонунийликни назорат қилиш; Россия империяси даврида Туркистонда прокуратуранинг шаклланиши; Совет даврида Ўзбекистон ҳудудида прокуратуранинг шаклланиши; мустақиллик даврида прокуратура органлари ташкилий-ҳуқуқий асосларининг ривожланиши (мустақил Ўзбекистонда прокуратура органлари ҳуқуқий асосларининг шаклланиши даври (1991–2000 йиллар); давлат органлари тизимида прокуратура органларининг роли ва ўрнини мустаҳкамлаш даври (2001–2015 йиллар); прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштириш даври (2016 йилдан кейинги давр).

2016 йилдан кейинги босқичда прокуратура органлари чинакам халқ прокуратурасига, яъни, халққа хизмат қилувчи, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини том маънода ҳимояловчи органга айлангани асослаб берилди, мазкур босқичда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг оқилона сиёсати натижасида муаммолар гирдобидида қолиб кетган ҳамда “жар ёқасига” келиб қолган, давлат механизмларини амалга оширишнинг муҳим устунларидан бири бўлган прокуратура тизими таъбир жоиз бўлса, қайта “тирилгани” таъкидланди.

5. Прокуратуранинг фаолиятида моҳият нуқтаи назаридан қуйидаги кўринишлари мавжудлиги аниқланди:

а) прокуратура ижро ҳокимияти тизимида бўлиб, ушбу ҳокимият олдидаги вазифаларни таъминлашга хизмат қилади (*АҚШ, Польша, Япония ва бошқалар*);

б) прокуратура судлар қошида ташкил этилиб, одил судловга кўмаклашади (*Нидерландия, Испания, Италия, Франция ва бошқалар*);

в) прокуратура барча ҳокимиятдан мустақил фаолият юритиб, қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади (*МДҲ давлатлари, Хитой ва бошқалар*);

г) прокуратура алоҳида институт сифатида мавжуд эмас, унинг функциясини бошқа органлар бажаради (*Буюк Британия, Австралия, Ямайка*).

6. Тадқиқот натижасида прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми ва давлат органлари тизимидаги ўрнига оид илмий-назарий қарашлар ҳамда қонунчилик тажрибасига кўра **учта гуруҳга** ажратилди: 1) одил судлов органи; 2) ижро ҳокимияти органи; 3) кенгроқ ваколатли мустақил назорат қилувчи орган.

7. Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида прокуратура ҳеч бир ҳокимият тизимига кирмайдиган ва асосий функцияси одил судловга кўмаклашишдан ташқари кенгроқ назоратни амалга оширадиган, қонунлар ижросини таъминлашдан бошлаб, одил судловга кўмаклашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасигача бўлган кенг вазифаларни бажариши, миллий ҳуқуқ тизими учун ўта муҳим давлат органи сифатида шаклланиши, давлат органлари тизимида алоҳида ўрин тутди. Мамлакатимизда прокуратура органларининг “Инсон қадри учун” деган эзгу ғояни тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминловчи конституциявий орган эканлигини инобатга олиб, унинг ижро ҳокимияти

таркибига ўтказилиши билан боғлиқ қарашларнинг Конституцияга зидлиги асослаб берилди.

8. Қонунчилик ижроси назоратини алоҳида ижро органлари орқали амалга ошириш ҳақидаги фикрлар танқид қилиниб, прокуратурани қонунлар ижроси устидан назорат вазифасидан маҳрум этиш мамлакатда қонунийликни таъминлаш тизимига салбий таъсир кўрсатиши, прокурорлар обрўсини пасайтириши, уларни қонун бузилиши ҳолатларига қарши курашишнинг аниқ механизмларидан маҳрум этиши, шунинг учун прокуратуранинг ушбу функцияларини сусайтириш мамлакатда конституцияни қўриқлашнинг мавжуд тизимни кучсизлантиришга олиб келиши, бинобарин, қонунлар ижроси устидан назорат қилиш **фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга** қаратилгани асослаб берилди.

Истиқболда назорат-текширув органларининг фаолияти самарадорлиги яхшиланиши прокуратура органларининг “умумий назорат” функцияларини оптималлаштириш, шу билан бирга, ушбу йўналишдаги бўлинмаларни қисқартириш имконини бериши таҳлил қилинди. Шу аснода прокуратура органлари ҳуқуқий табиатига кўра “назорат устидан назорат” олиб боровчи ягона давлат органи ҳисобланиши ҳамда улар ушбу назорат-текширув органларининг фаолияти устидан самарали назоратни олиб бориши лозимлиги ҳам асослаб берилди.

9. Прокуратура органлари вазифалари – бу қонунда назарда тутилган ҳамда прокуратура органлари бажариши шарт бўлган, қонунни қўллаш амалиётида натижага йўналтирилган фаолияти, деган илмий таъриф ишлаб чиқилди ҳамда мазмунига кўра **уч йўналишга** ажратиш таклиф этилди:

а) қонун устуворлигини таъминлаш вазифаси ва уни бажариш билан боғлиқ вазифалар;

б) фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

в) ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш.

10. Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш принциплари раҳбарлик хусусиятга эга энг муҳим ғоя бўлиб, прокуратура органлари зиммасидаги вазифаларни самарали рўёбга чиқариши учун хизмат қиладиган, асосий фаолият қирраларини белгилаб берувчи қоидалар, деган ҳулосага келинди;

11. Принциплар шартли равишда **умумий** ва **махсус принципларга** ажратилди, умумий принципларга қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик принциплари, махсус принципларга бирлик, марказлашганликни киритиш бўйича тўхтамга келинди.

12. Қонунийлик принципи, бир томондан, прокурорларга қонуний ҳаракат қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш ваколатини берса, бошқа тарафдан, ваколат доирасини аниқ белгилаб бериши, қонундан ташқарига, ваколат доирасидан четга чиқмаслигини таъминлаши асосланди. Бунда учала ҳокимият, бошқа давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширадиган прокуроргина том маънода қонун

устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини тўлақонли таъминлаши мумкин, деган хулосага келинди.

13. “Прокуратура органларининг ташкилий тузилмаси” тушунчасига “асосий мақсади қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ушбу органларнинг вазифалари ва фаолият йўналишларини амалга оширишга қаратилган, зарур ваколатларга эга бўлган, қўйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунити ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатадиган, бир-бири билан ўзаро алоқадор, бошқарув тузилмаларининг мажмуи” деган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

Прокуратура органларининг ташкилий тузилмасининг қўйидаги **ўзига хос хусусиятлари** аниқланди: прокуратура органларининг ташкилий тузилмаси ушбу органларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларини таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради; прокуратура органларининг ташкилий тузилмаси бевосита ушбу органларнинг асосий фаолият йўналишлари билан боғлиқдир; прокуратура органларининг ташкилий тузилмасини ташкил этиш қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилади.

14. 2017 йилда амалиётга жорий этилган секторлар тизими маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг институционал мустақиллигига путур етказмасдан, амалдаги қонунларга риоя этган ҳолда аҳоли муаммоларини ҳал этишда давлат бошқаруви механизмларининг янада такомиллашувига хизмат қилгани, бундай ёндашув фуқаро ва давлат ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқани мустаҳкамлаб, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий масалаларни манзилли ва тезкор ҳал этиш имкониятларига эришилгани асослантирилди.

Шунингдек, 2025 йилдан эътиборан прокуратура органлари секторлардан чиқарилгани жойларда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда муҳим институционал қадам сифатида баҳоланиши қайд этилди.

15. Мажбурий ижро бюроси зиммасига юклатилган вазифалар бевосита прокуратура органларининг анъанавий тартиб-таомилларига тўғри келмаслиги ҳамда прокуратура органларининг вазифаларига номувофиқлиги, қолаверса прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишни ҳам назорат қилиш назарда тутилганлиги боис Мажбурий ижро бюросининг қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган унинг зиммасидаги вазифаларни прокуратура органларига юклаш мақсадга номувофиқ эканлигини инобатга олиб, шунингдек, сўнгги йилларда ижро ҳаракатлари устидан прокурор назорати самарадорлиги пасайиб бораётганлиги сабабли мазкур тузилмани прокуратура органлари тизимидан чиқариш зарурати асослантирилди.

16. Прокуратура органларининг Сенат билан ўзаро муносабатлари қўйидаги шаклларда амалга оширилиши лозим экани асослантирилди:

1) *Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини тайинлаш ва лавозимидан*

озод этиш; 2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олдидagi ҳисоботи; 3) Бош прокурорнинг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини ҳал қилиш; 4) Бош прокурорнинг Олий Мажлис Сенатининг мажлисларида иштирок этиши; 5) Коррупцияга қарши курашишдаги ҳамкорлик.

17. Прокуратуранинг маҳаллий вакиллик органлари билан ўзаро ҳамкорлиги уларнинг ўзаро боғлиқ, мазкур органларнинг ваколатлари доирасида, уларнинг ҳар бирига хос бўлган усуллар ва услублар билан амалга ошириладиган, шунингдек умумий вазифаларни ҳал қилиш ва шахс, жамият ва давлат манфаатлари уйғунлигини таъминлашга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолиятidir, деган хулоса билдирилди.

II. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

18. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга прокуратура органларининг асосий вазифалари қаторига **“қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш”, “атроф-муҳитни муҳофаза қилиш”, “коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш”** каби вазифаларни киритиш таклиф этилди.

19. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун нормалари ўз мазмун-моҳиятига кўра давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлардан, ҳуқуқий ислохотлардан, халқаро стандартлардан анча орқада қолган ва турдош қонун ҳужжатларига ҳам мос эмаслиги, бугунги кунга келиб 100 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи қоидалар, вазифалар ваколатлар белгилангани, халқаро ташкилотларнинг прокуратура органлари мустақиллигини таъминлаш, ваколатларини белгилаш, хизматни ўташ, ходимлар ижтимоий ҳимоясига оид бир қатор тавсиялари ишлаб чиқилгани таҳлил қилиниб, **“Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунни қабул қилиш** зарурати вужудга келгани ҳамда унга **конституциявий қонун мақомини бериш** таклифи асослаб берилди ва лойиҳа матни ишлаб чиқилди.

20. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда **прокурор фаолиятини бошқа мажбуриятлар билан қўшиб олиб боришни чеклаш, одиллик, холислик, шахслар ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш** каби принципларни белгилаш прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этиши асослаб берилди.

21. Ҳарбий прокуратура ва Транспорт прокуратураларини республика прокуратураси тузилмасига киритиш (**“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасидаги Ҳарбий прокуратура ва Транспорт прокуратураларини “вилоят прокуратураларига тенглаштирилган” деган қоидани чиқариб ташлаш**), ўз навбатида, Транспорт прокурорини Бош прокурор ўринбосари сифатида белгилаш (**Ҳарбий прокурор сингари**) таклифи ишлаб чиқилди.

22. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва у билан боғлиқ қонунчиликнинг ижросини самарали назорат қилиш учун Ўзбекистон

Республикаси Бош прокуратураси таркибида махсус бўлинма – **Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги қонунчилик ижросини таъминлашга кўмаклашиш бўлимини** ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлиги асослантирилди.

23. Халқаро тажриба ва миллий ҳуқуқий тизимнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибида **Кибержиноятчиликка қарши курашиш борасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимининг** ташкил этилгани рақамли муҳитдаги жиноятларга қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида, халқаро ҳужжатлардаги баён қилинган прокурорларнинг ихтисослашувини кучайтириш, прокуратура органларида махсус бўлинмалар ташкил этиш масаласини ёки муқобил йўл сифатида ушбу йўналишда мутахассис бўладиган ва кибержиноятлар ёки электрон далиллар мавжуд бўлган ишларни юритишда бошқа прокурорларга тавсиялар берадиган ёки ёрдам кўрсатадиган прокурорлар гуруҳини тузиш масаласини кўриб чиқиш бўйича тавсияларга ҳамоҳангдир. Яқин истиқболда ушбу бўлимнинг шахсий таркиби ва ваколат доираси кенгайиб, Бош прокуратуранинг алоҳида бошқармаси сифатида қайта ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилди.

24. Халқаро амалиётларга, айниқса, Европа Кенгашининг 2018 йилги қиёсий тадқиқотида алоҳида таъкидланган муваффақиятли тажрибаларга асосланиб, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда Бош прокурор лавозимига кўрсатилган номзоднинг касбий тажрибасига нисбатан янада қатъий талаблар, хусусан *камида 15 йиллик юридик тажрибага, шу жумладан прокуратурада раҳбарлик лавозимларида 10 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш каби талаблар белгиланиши лозимлиги қайд этилди.*

25. Бош прокурорнинг Сенат олдидаги ҳисобдорлиги билан боғлиқ асосий масалаларни яхлит тизимлаштириш мақсадида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддаси бешинчи қисмини қуйидаги мазмундаги бешинчи–саккизинчи қисмлар билан алмаштириш тавсия этилди:

“Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида ҳар йили ҳисобот беради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳисоботи ҳар йили 1 мартдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботи прокуратура органларининг интернетдаги расмий веб-сайтида эълон қилинади”.

26. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун 4-моддаси биринчи қисмининг ўнинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклифлари асослантирилди:

“норма ижодкорлиги фаолиятида, қонунлар ва улар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳамда иштирок этиш”.

27. Депутатларнинг дахлсизлиги ҳуқуқи доирасини қисқартириб, ушбу дахлсизлик мақоми фақат уларнинг ўз хизмат вазифасини бажариши билан боғлиқ ҳаракатларига нисбатан татбиқ этилишини қонунда белгилаш, бунда жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан сўнг қўлга олинган ҳолларда жиноий жавобгарликка тортишга, қамоққа олишга розилик олиш талаб этилмаслигини қонунийлаштириш таклифи асослаб берилди.

28. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддаси еттинчи қисмидаги халқ депутатлари Кенгашининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, юқори турувчи прокурор тегишинча юқори Кенгашга қарорни бекор қилиш ва масалани тегишли халқ депутатлари Кенгашига қайта кўриб чиқиши учун топшириш тўғрисида тақдимнома киритишга ҳақли эканлигига оид қонидани ўзгартириш, хусусан, юқори Кенгаш прокурор тақдимномасини кўриб чиқиш натижасида масалани қайта кўриб чиқиши учун куйи Кенгашга юбормасдан, ўзи мустақил (розилик ёки рад этиш) қарор қабул қилиш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

29. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси биринчи қисмини қўйидаги таҳрирда баён қилиш таклифи асослаб берилди:

“Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори эга. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ва Олий суди ҳам ўз ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир”.

30. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда **прокуратура органларининг хайъатлари, Малака кенгашлари ва Одоб-ахлоқ кенгашлари** прокуратура органлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва амалга оширишнинг долзарб масалаларини кўриб чиқадиган коллегиял орган ҳисобланишига оид қонидани ҳамда унинг вазифаларини белгилаш лозим, деган тақлиф илгари сурилди.

III. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича тавсиялар:

31. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақлиф этилган Бош прокурор лавозимига номзоднинг Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланиши прокуратуранинг мустақиллиги ва демократик назорат учун муҳим аҳамият касб этади. Бу механизмнинг аҳамияти халқаро ташкилотларнинг “Бош прокурорни лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш усули прокуратуранинг холис ва беғараз фаолият юритишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди”, деган баёнотига ҳамоҳангдир.

32. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институтининг рақамли криминалистика бўйича суд экспертизаларини ўтказиш, шунингдек кибержиноятларга қарши курашишга ва рақамли терговга кўмаклашишга оид

амалий функцияларини *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибига ўтказиш* масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда.

33. “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларини рақамли технологиялар ва ҳуқуқ соҳасида зарур билимларга эга бўлган малакали кадрлар билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида ўқишнинг бакалаврият босқичида **“Киберҳуқуқ”** янги *таълим йўналишини* ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, ҳозирги замон прокурори нафақат анъанавий юридик билимларга, балки рақамли технологиялар ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши бўйича чуқур тушунчаларга ҳам эга бўлиши керак.

34. Прокуратура органлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларда бевосита ижрочи эмас, балки бошқа секторлар раҳбарлари фаолияти устидан қонунийликни таъминлайдиган орган сифатида намоён бўлиши, коррупциянинг олдини олишда превентив функцияни ҳам амалга ошириши, бунда бевосита **“маҳалла еттилиги” фаолиятини амалга оширишдаги барча ахборот тизимларини прокуратура органлари тизимлари билан интеграция қилиш** таклифи илгари сурилади.

35. Мамлакатимизда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ҳамда Олий Мажлис палаталарининг яқин ҳамкори сифатида Бош прокурорнинг Олий Мажлисдаги **доимий вакили институтини** таъсис этиш ва унинг вазифаларини амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамлаш зарурати асослаб берилди.

36. Бош прокуратура ҳузурида мамлакатнинг етук олимларидан иборат таркибда **Илмий-маслаҳат Кенгашини,** шунингдек прокуратура органларининг фаолият йўналишидаги кесимида ушбу Кенгашнинг **ишчи гуруҳлари** фаолиятини йўлга қўйишнинг мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

37. Бош прокурор ҳисоботида мамлакатнинг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларида қонунийликнинг аҳволига баҳо берилишини инобатга олиб, Сенатнинг барча қўмиталари ўзларининг фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, тегишли вазирлик ва идоралардаги қонунийлик аҳволдан тўлиқ хабардор бўлишини таъминлаш мақсадида ҳисоботни Сенатнинг барча қўмиталари томонидан ҳам дастлабки тарзда кўриб чиқиш амалиётини жорий этиш таклиф этилади.

38. Бош прокуратура ва Сенатнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ҳамкорлиги самарадорлигини янада ошириш мақсадида: *биринчидан,* ахборот алмашишнинг самарадорлигини ошириш учун махсус ахборот тизимини яратиш; *иккинчидан,* ҳар иккала тузилмада коррупцияга қарши кураш бўйича махсус таҳлилий бўлинмалар фаолиятини янада кучайтириш, қўшма ўқув дастурлари, таҳлилий ресурслар ва тажриба алмашишнинг такомиллаштирилган механизмларини йўлга қўйиш; *учинчидан,* коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини

биргаликда ишлаб чиқишнинг янада тизимли механизмларини жорий этиш, жумладан, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича қўшма ишчи гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйиш коррупцияга қарши курашишдаги ҳамкорлик самарадорлигини оширишга хизмат қилиши асослаб берилди.

39. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорларининг маҳаллий Кенгашларга ахборот тақдим этишининг ягона амалиётини шакллантириш мақсадида Сенатнинг “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорларининг маҳаллий Кенгашларга ахборот бериши тартиби”ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарур, деган хулосага келинди.

40. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонунга биноан, прокурорларга йўлланган депутат сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмаслиги билан боғлиқ қоидадаги **муайян ишлар ва материалларга тааллуқлилигини аниқлаш механизми қайд этилмаганлиги** сабабли прокурорларга депутат сўровини юборишдан олдин сўровда қайд этилган масалалар бўйича прокурорлар иш юритувида муайян ишлар ва материаллар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш тартибини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

41. “Прокуратура органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва экспертизадан ўтказиш ҳамда келишиш, шунингдек қонунлар ва улар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомни қабул қилиш зарурати асослаб берилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ
АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ПРАВООХРАНИТЕЛЬНАЯ АКАДЕМИЯ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН**

МАХМУДОВ АЛИШЕР АБДУСАЛИМОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫХ ОСНОВ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН**

**12.00.07 – Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация правоохранительной
деятельности. Адвокатура**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (Doctor of Science)**

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора наук (Doctor of Science) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2022.3.DSc/Yu217.

Диссертация выполнена в Правоохранительной академии Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета (www.proacademy.uz) и Информационно-образовательном Портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Туляганов Абдуманноп Абдужаббарович доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Пулатов Бахтиёр Халилович доктор юридических наук, профессор Раджабова Мавжуда Абдуллаевна доктор юридических наук, профессор Гафуров Аскар Бойисович доктор юридических наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентский государственный юридический университет

Защита диссертации состоится «8» октября 2025 года в 10:00 на заседании Научного совета DSc. DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 при Правоохранительной академии Республики Узбекистан. (Адрес: 100190, г.Ташкент, Юнусабадский район, улица Рихсилий, 9. Тел.: +99871-202-04-96, e-mail: info@proacademy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Правоохранительной академии Республики Узбекистан (зарегистрировано за № 67). (Адрес: 100190, г.Ташкент, Юнусабадский район, улица Рихсилий, 9. Тел.: +99871-202-04-96, e-mail: info@proacademy.uz).

Автореферат диссертации разослан «25» сентября 2025 года.

(протокол реестра № 31 от «25» сентября 2025 года).

М.А.Аминжонова
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
юридических наук, профессор

Ш.И.Шайзаков
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
философии по юридическим наукам
(PhD), доцент

В.Каримов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор юридических наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире повышение эффективности деятельности правоохранительных органов, в том числе органов прокуратуры, является одной из наиболее актуальных задач, стоящих перед развивающимися государствами. В результате осуществляемых органами прокуратуры мер по обеспечению законности в сфере, эффективной борьбе с коррупцией позиция нашей страны в соответствующих международных рейтингах улучшается из года в год. Если в 2020 году наша республика занимала 92-е место в «Индексе верховенства права», то в 2024 году поднялась на 83-е место. В рейтинге «Сдерживание коррупции» в 2020 году занимала 178-е место, а в 2024 году была отмечена на 164-м месте¹. В международном рейтинге «Индекс восприятия коррупции» наша страна по итогам 2023 года поднялась на 5 позиций и заняла 121-е место среди 180 государств с 33 баллами, а по сравнению с последними шестью годами поднялась на 37 позиций². Следовательно, требуется уточнение места и роли прокуратуры как правоохранительного органа в целях укрепления законности и правопорядка в обществе, направлений деятельности и задач, реформирования и цифровизации отрасли, исходя из требований международных стандартов, изучения международного опыта, создания прочной правовой базы для эффективной борьбы с коррупцией в киберпространстве, дальнейшего совершенствования анализа проблем обеспечения законности и правопорядка.

В мире особое внимание уделяется научному изучению организационно-правовых основ деятельности органов прокуратуры. В частности, осуществляются научные исследования, касающиеся правового статуса органов прокуратуры и их места в системе органов государственной власти, принципов организации деятельности органов прокуратуры, организационной структуры органов прокуратуры, направлений взаимоотношений органов прокуратуры с представительными органами, участия органов прокуратуры в законотворческой деятельности, организации деятельности коллегияльных органов прокуроров.

В нашей стране осуществляются системные реформы по усилению роли органов прокуратуры в обеспечении верховенства закона, совершенствованию организационно-правовых основ деятельности прокурорских управлений. В частности, в Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года, определены задачи создания прочных правовых основ деятельности открытой и справедливой прокуратуры, строго обеспечивающей законность, а также превращение принципа «Верховенство закона – неотвратимость наказания» в главный

¹ <https://www.senat.uz>

² <https://www.transparency.org/en/cpi/2020/index/nzl>

критерий¹, также в Стратегии «Узбекистан – 2030», утвержденной Указом № УП-158 от 11 сентября 2023 года, поставлены задачи по «направлению деятельности правоохранительных органов на защиту интересов, чести, достоинства и прав человека». Вместе с тем, Глава нашего государства отметил необходимость «четкого определения в законе статуса прокуроров, вопросов обеспечения их независимости, справедливых критериев отбора и продвижения по служебной лестнице»², а также на заседании Национального совета по борьбе с коррупцией, состоявшемся 5 марта 2025 года, отметил, что «правоохранительные органы в основном сосредоточены на выявлении и наказании коррупционных деяний, в то время как превентивные меры, направленные на искоренение коррупционных факторов, игнорируются, поэтому отныне прокуроры не будут заниматься деятельностью секторов»³. В свою очередь, Генеральный прокурор, обращаясь к населению страны, отметил, что «отныне все силы и средства органов прокуроры от высшего звена до низового будут полностью мобилизованы на борьбу с коррупцией, для выявления факторов, способствующих коррупции, а также искоренения ее причин, будут осуществляться изучения в самых отдаленных территориях, глубокое проникновение в каждую сферу»⁴. В первом полугодии 2025 года органами прокуратуры было применено около 102 тысяч актов прокурорского надзора по выявленным случаям нарушения закона, восстановлены нарушенные права 248 тысяч граждан, с целью открытого общения с народом, решения проблем, беспокоящих граждан, 120 тысяч обращений было решено непосредственно в прокуратуре и восстановлены нарушенные права 29 тысяч лиц⁵. Это свидетельствует о возможности дальнейшего ускорения принимаемых мер по активизации участия органов прокуратуры в законотворчестве, широкому внедрению цифровых технологий в их работу.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации норм Конституции Республики Узбекистан (2023), законов «О прокуратуре» (2001), «О противодействии коррупции» (2017), «О нормативно-правовых актах» (2021), «Об антикоррупционной экспертизе нормативно-правовых актов и их проектов» (2023), Указов Президента Республики Узбекистан № УП-5019 от 18 апреля 2017 года «Об усилении роли органов прокуратуры в реализации социально-экономических реформ и модернизации страны, обеспечении надежной защиты прав и свобод человека», № УП-5729 от 29 мая 2019 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы» от 28 января 2022 года № УП-60 // <https://lex.uz/ru/docs/5841077>.

² Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021 йил, 108 бет.

³ Состоялось заседание Национального совета по противодействию коррупции // <https://president.uz/ru/lists/view/7924>.

⁴ Обращение Генерального прокурора Республики Узбекистан к народу нашей страны // <https://prokuratura.uz/#/newsview?id=14460>.

⁵ Состоялось очередное заседание коллегии Генеральной прокуратуры // <https://prokuratura.uz/#/newsview?id=14460>.

Узбекистан», № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы», № УП-158 от 11 сентября 2023 года «О стратегии «Узбекистан – 2030»», № УП-71 от 21 апреля 2025 года «О мерах эффективной организации исполнения приоритетных задач, определенных для дальнейшего совершенствования системы противодействия коррупции» и других законодательных актов, относящихся к данной сфере.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹. Научные исследования по организационно-правовым основам деятельности органов прокуратуры изучаются ведущими зарубежными научными центрами и международными организациями. В частности, в рамках ООН, ЕС, ОБСЕ, СНГ, ШОС исследованы статус органов прокуратуры, их место и роль в системе государственных органов, задачи и функции прокуратуры, международные стандарты деятельности органов прокуратуры и перспективы их внедрения в национальное законодательство. Так, Управлением ООН по наркотикам и преступности изучается статус органов прокуратуры, их место и роль в системе государственных органов (The Status and Role of Prosecutors A United Nations Office on Drugs and Crime and International Association of Prosecutors Guide), Международной ассоциацией прокуроров ООН проводится анализ задач и функций прокуратуры, анализ опыта деятельности прокуратуры вне уголовно-правовой сферы (Европейский Союз), ЕРРО – Европейской прокуратурой научно-методически исследуются такие вопросы, как сфера полномочий в органах прокуратуры и будущие возможные реформы или правовые изменения по охвату экологических преступлений. В частности, больше исследуются вопросы цифровизации деятельности органов прокуратуры, преимуществ внедрения искусственного интеллекта и реформирования организационной структуры прокуратуры, места прокуратуры в борьбе с киберпреступностью и обеспечении кибербезопасности.

В высших учебных заведениях зарубежных стран разработаны предложения и внедрены в практику следующие научные результаты по организационно-правовым основам деятельности органов прокуратуры: институциональная организация прокуратуры и ее надзорные механизмы (Стэнфордский университет, США), эволюция роли органов прокуратуры: проблемы и решения (Университет Висконсин-Мэдисон, США), обоснование

¹ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации был осуществлен на основе <https://www.unodc.org>, <https://eucrim.eu>, <https://www.eui.eu>, <https://www.stanfordlawreview.org>, <https://search.library.wisc.edu>, <http://webcat.warwick.ac.uk>, <https://ndaa.org> и других источников.

